

ШАРТНОМА № 16071

(Товар-моддий бойликлар, хом-ашё ва материаллар сотиб олиш, хизмат кўрсатиш хақида)

« 19 » апрель 2022 йил

Фарғилон шаҳри.

Фарғона шаҳар ҳокимлиги шаҳар ҳокими Назаров Восилжон Шўхратович

(хўжалик юритувчи субъект, ФИШ)

бундан буён бир томондан «Сотиб олувчи» деб юритилади, низом асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан

«Nozi Nozi» мчж раҳбари Ў.Якубов

(хўжалик юритувчи субъект, ФИШ)

низоми асосида иш юритувчи бундан буён «Сотувчи» деб юритилади ва қуйидагилар хақида ушбу шартнома тузилди.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли бўлган мол-мулкни сотиш, «Сотиб олувчи» эса қабул қилиб олинган махсулот еки товар (курсатилган хизмат) учун туловларни белгиланган тартибда амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

II. ШАРТНОМА НАРХИ

2.1.

№	Товарнинг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси
1.	Фарғона шаҳар ҳокимлиги томонидан Наврўз байрами муносабати б-н Мудофа бўлими бир гуруҳ ходимлари тақдирлаш у-н қимматбаҳо совғалар б-н тақдирлаш	шт	1	36 605 000	36 605 000
x	жами	X	X	X	X

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси: **Бир юз ўн беш миллион уч юз тўқсон уч минг сўм**
(рақамлар ва ёзувлар билан)

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Сотиб олувчи» товар учун олдиндан, етказиб берилган товар, махсулот (курсатилган хизмат)нинг 30 фоизи миқдорида пул маблағини олдиндан ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

3.2. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати ўзаро келишилган ҳолда қўшимча белгиланади.

IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ.

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг товарни 3 (уч) кун муддат ичида «Сотиб олувчи»га етказиб бериши шарт.

V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилган товар ёки махсулотларнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Сотиб олувчи»нинг талабларига мос келиши шарт.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада курсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Сотиб олувчи»га товарни етказиб бериш;
- Шартноманинг шартлари «Сотиб олувчи» томонидан бузилганда берилган махсулотни қайтариб олиб қўйиш ҳуқуқига эга;

- Тегишли даражада сифатли махсулот юборилмаганлиги тўғрисида билдиришнома олгандан сўнг, сифатли бўлмаган мол-мулкни 10 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шарноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.

- «Сотувчи» етказиб берган махсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошқа курсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларни расмийлаштириш лозим.

6.2. «Сотиб олувчи»нинг мажбуриятлари:

- «Сотиб олувчи» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида махсулотни қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушганлиги аниқлангандан сўнг, ушбу тўғрисида тегишли далолатнома тузилиб бу хақида 3 кун ичида «Сотувчи»ни огоҳлантириш.

- Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари курсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўловлар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.

7.2. «Сотувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га товар ва махсулотларни белгиланган муддатларда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган хар бир кун учун етказиб берилмаган махсулот қийматининг 0,5 % миқдорида «Сотиб олувчи»га пеня тўлайди, лекин пеня миқдори кечиктирилган махсулот қийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган белгиланган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаган тақдирда, айбдор тараф ушбу махсулот кийматининг 20 % миқдориди жарима тўлашига сабаб булади.

7.4. «Сотиб олувчи» томонидан олинган товар ёки махсулот учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 % миқдориди «Сотувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

7.5. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказиб берилган товар ёки махсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан копланеди.

VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавкулотда тусдаги холатларга: сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа хар қандай холатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1 ой давомида узлуксиз равишда давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш ёки қўшимча ижро муддатларини белгилашлари мумкин.

8.4. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қондаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёхуд номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинишини қафолатлайди.

8.5. Томонлар коррупцияга қарши қондалар бузилганда ва (ёки) асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон тизим орқали) ёки ишонч телефонлари орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда, томонлар юзага келган холатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушунтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

8.6. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатларда хавф-хатар бартараф этилмай, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион холатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

IX. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаган тақдирда мавжуд низо хўжалик суди орқали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 2022 йил «19» апрелдан 2022 йил «31» декабргача 2 нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, ғазначилик бошқармаси (бўлими) да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга қиради.

X. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

« СОТУВЧИ »

« СОТИБ ОЛУВЧИ »

"NOZI NOZI" МЧМ

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Маркони ш. Анги фарғона юса

Тел./факс: 94 550 24 25

Ҳисоб варақ: 20208000000808518001

Банк номи: "Савдо қар банк" фарғона фили.

МФО: 00500 СТИР: 305115034

Фарғона шаҳар ҳокимлиги

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Фарғона шаҳар,

Нурафшон кўчаси 15-уй

Тел./факс: + 99873-243-91-61

ш/х*: 100020860304019011204018002

СТИР: 201 380 044 ОКЭД: 84 112

Фарғона шаҳри бўйича Ғазначилик бўлини маси

Ғазна х/в: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банк ХККМ Тошкент ш.Б.Б.

МФО: 00 014 СТИР: 201 122 919

Рахбар:

"NOZI NOZI" (имзо)

Ҳ. Мушов
(Ф.И.Ш)

Рахбар:

(имзо)

В. Назаров

(Ф.И.Ш)

Ҳ. Мушов

19.04.2022й кунги
№16071 сонли
шартномага илова

Фарғона шаҳар ҳокимлиги томонидан 2022й 21-март “Наврўз” умумхалқ
байрами муносабати билан Фарғона шаҳар Мудофаа ишлари
бўлими бир гуруҳ ходимларини тақдирлаш учун
қимматбаҳо совғалар сотиб олиш учун

СПЕЦИФИКАЦИЯси

т/р	Маҳсулот номи	Сони	Нархи	Жами сумма
1	Телевизор 32 Смарт (Samsung Q LED)	2	2 685 000	5 370 000
2	Мултиварка	5	641 000	3 205 000
3	Ноутбук (Acer)	2	5 400 000	10 800 000
4	Телефон(Samsung Note 10 5J)	2	3 890 000	7 780 000
5	Печккатта	10	945 000	9 450 000
	Жами:	21		36 605 000

"Nozi Nozi" мчж рахбари:



Ў.Якубов